



«7» *сентябрь* 2013 йил

№ 144-*к*

ҚАРОР

Каттақўрғон шаҳар Ингичка кўрғони
Мустақиллик кўчаси атрофида савдо
дўкони, омборхона қуриш ва
ободонлаштириш ишларини амалга
ошириш учун ер танлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги № 146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда Республика аҳоли пунктларининг архитектура қиёфасини яхшилаш, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилona фойдаланиш мақсадида, Каттақўрғон шаҳар Ингичка кўрғони С.Рахимов кўчаси 9 уйда яшовчи фуқаро Бобожонов Хужанинг аризасини, Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги 44-Ф сонли «Каттақўрғон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тўғрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 июлдаги 44-Ф сонли «Ер участкаларини танлаш» ишчи комиссияси далолатномаси тасдиқлансин.

2. Каттақўрғон шаҳар Ингичка кўрғони С.Рахимов кўчаси 9 уйда яшовчи фуқаро Бобожонов Хужага Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги захирасида бўлган Ингичка кўрғони Мустақиллик кўчаси атрофидан лойиҳа асосида **68,4 кв.метр** ер майдонида савдо дўкони, омборхона қуриш ва атрофида ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун танланди.

3. Каттақўрғон шаҳар Ингичка кўрғони С.Рахимов кўчаси 9 уйда яшовчи фуқаро Бобожонов Хужага белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида ер участкасини ажратиш бўйича материалларини расмийлаштириш юклатилади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Рахмонов ҳамда шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

С.З.Раззақов.